

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**“ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МЕНЕЖМЕНТИ” КАФЕДРАСИ**



**ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА  
ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК  
БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ЗАМОНАВИЙ  
БОШҚАРУВ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

*Республика илмий-амалий анжумани  
МАЪРУЗА ТЕЗИСЛАРИ ТҮПЛАМИ*

**2018 йил 16-17 апрел**

**Қарши – 2018**

157	Хонтўраев Б.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишнинг устувор йўналишлари	419
158	Хушвақтова Г.Х.	Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда таваккалчиликнинг аҳамияти	421
159	Темирова Ф.С.	Инновацион маркетинг хўжалик фаолияти самарадорлигини оширувчи восита сифатида	422
160	Xolliyev Sh. Xusanov R.	Qurilish sohasining rivojlanishida qurilish materiallari sanoatining tutgan o`rnvi va ahamiyati	425
161	Xasanov Sh. X.	O`zbekistonda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish muhim vazifa	426
162	Saidboyev Sh. Tojiev A.	The essence and significance of free economic zones	428
163	Имомов Б.Х.	Ўзбекистон ва Туркия ўртасида иқтисод соҳадаги хамкорлик масалалари	430
164	Казаков О.С. Қозоқов С.О.	Кичик бизнес субъектида ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш йўллари	433
165	Қосимов Ж.Р. Бозоров А.Р.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш тенденциялари	436
166	Султонов Ш.А. Солиев А.У. Султонов Б.А.	Чуқур таркибий ўзгаришлар шароитида инновацион бизнес - муваффақият калити	438
167	Шавқиев Э.	Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда чакана савдонинг ўрни	440
168	Холмуродов О. Аминов Ш.	Иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли	444

**5-Шуъба. Мамалакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига оид вазифалар ва уларни амалга  
Ошириш**

169	Ғуломов С.С.	2017-2021 йилларда ҳаракатлар стратегиясини сифатли амалга оширишда интеллектуал салоҳият ва инновациялар роли	446
170	Гулямов С.С. Шермухамедов А.	Высшее образование Узбекистана: проблемы интеграции в европейскую систему высшего образования	449
171	Гулямов С. С. Шермухамедов А.	Интеллектуальный потенциал и инновации в повышении качества подготовки специалистов по	451
172	Адылова З.Д.	Зарубежный опыт инновационного развития экономики, науки и образования	454
173	Суннатов З.У. Норинов Ф.К. Мейлиева К.О. Жўраев Ф.О.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни ташкил этишда илмий ёндашувлар	456

2016-йиллар давомида ушбу мақсадларга ТИКА 23 миллион АҚШ доллари ажратди.

Айниқса, Туркиядагитуризмсоҳасиюксакривожланганбўлиб, хусусан, асримизбошларида соҳа 10 миллиарддоллар даромадкелтирганбўлса, 2014 йилгакелибэсаҳори жайёҳлартомонидан давлатхазинасига 34,3 миллиарддоллар маблағке либтушган.

Иккимамлакатрасмий делегациялари иштирокида ўтказилган музокарадасав до, саноат, қишлоқхўжалиги, транспорт, туризм, илм-фен ва бошқасоҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларимуҳокама килинди.

Туркияраҳбари Ражаб Тоййиб Эрдўған Тошкентҳартомонлама стратегика ҳамиятга эга ҳамкорэкани, аҳолиси 32 миллион бўлган Ўзбекистон табиий газ захира сибўйичадунёдаёттинчи ўринда, уран захира сибўйичатуртинчи, пахта этиштириш бўйича олтинчиваунинг экспорти бўйича иккинчи ўринда туриши нитаъ кидлади. Шунга қарамай, иккитомонлама иқтисодий муносабатлар кўлами кутилган даражада эмас, 2016 йилякуни гакўра, ўзаротоварайир бошлашҳажми 1,2 миллиард долларни, жорий илнинг саккизойида эса 900 миллион долларни ташкил қилган. Музока раларякунида Президентлар иккимамла ҳамкорлигини янги, стратегик босқич гакўтириш мақсадида Кўшмабаёнотни имзола шди.

Шунингдек, иқтисодиёт, савдо-сотиқ, саноат, банк-молия, инвестиция, туризм, транспорт-логистика, соғлиқни сақлаш, кадрлар тайёрлаш, мудофаава бошқасоҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир 20 данзиёдхужжатлар қабул қилинди.

Хулоса ўрнида, давлатимиз раҳбарининг Туркияга ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очди ва иккимамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим истиқболларини белгилаб берди. Имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувлар иккимавлат муносабатлари мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасизdir.

## **КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Казаков О.С., Қозоков С.О – Наманган  
муҳандислик-технология институти**

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйилиши энг устувор йўналишлардан ҳисобланади. Мамлакатимизда ушбу соҳага эътибор кучайтирилмоқда. Президентимиз ва ҳукумат раҳбарлари ўз диққат-эътиборларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратмоқдалар. Аҳолининг реал даромадларининг катта қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан юзага келмоқда.

Кичикбизнеснинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш эса янада катта самара олинишига сабаб бўлади.

Кичик бизнес субъектида ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантируларнинг техник ва технологик даражасига, уларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ва мутахассисларнинг иш натижаларига, молиявий даражаларига, меҳнат унумдорлигига боғлиқ. Ҳозирги вақтда қўплаб тадбиркорлик субъектларида ходимларнинг малакасига етарли даражада эътибор берилмаяпти. Тадбиркорлик субъектларида фаолият кўрсатаётган қўплаб мутахассислар, иқтисодчилар, технологлар, хукуқшунослар ва бошқалар ўз вазифаларини яхши билган холда тадбиркорлик фаолияти назарияси ва амалиёти бўйича етарли даражада билимга эга эмаслар. Улар бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини ўрганишлари, ўз малакаларини ошириб боришлари ва қайта тайёрланишлари лозим. Шу билан биргаликда, улар ахборот технологиялари соҳасида ҳам маълумот олишлари мақсадга мувофиқдир.

Кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш фаолияти уларнинг бошқа корхона ва ташкилотлар билан интеграцияси асосида ҳам ривожланиши мумкин. Айниқса, уларнинг йирик саноат корхоналари билан ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган янги кичик корхоналар ташкил этиш, хонадонларда майда ҳусусий цехлар очишни рағбатлантириш орқали ҳам саноат ишлаб чиқариши соҳасидаги кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга ҳисса қўшишимиз мумкин.

Кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйишида ишлаб чиқариши ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий тамойилларига амал қилиш лозим. Ҳар қандай ишлаб чиқаришда маҳсулот ишлаб чиқариш учун ҳаражатлар сарфланади. Бундаги ҳаражатларни катта ёки кичик бўлиши қўплаб омилларга боғлиқдир. Ҳар бир маҳсулот тури турли усулларда, турли дастгохларда, турли хил маҳсулотлардан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқариш мумкин. Мана шу танловдаэнгсамаралива камчиқиндили, камхаражатқилинадигани ўлинитанлашсамарадорликнингтишигасабаббўлади. Амалгашириладиганушбутанловмаҳсулотсифатигаижобий таъсирэтишига эришиш лозим.

Ишлаб чиқариш соҳаларидаги кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида уларда фойдаланилдиган иқтисодий ресурсларнинг мониторингини олиб бориш лозим. Бу ресурслардан фойдаланишнинг корреляция коэффициентини аниқлаш ва ҳар бир омил бўйича белгиланган дастурларни тузиш ва уларни амалга ошириш лозим.

Кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тезроқ сотилиши учун харидорлар талабини таҳлил қилиш ва ўрганиш, ишлаб чиқариш, сотиш жараёнларини тезлаштириш, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим.

Кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда улардаги маркетинг фаолияти билан шуғулданаётган мутахассисларнинг фаолиятини тұғри ташкил этиш мұхим аҳамият касб этади. Кичик бизнес субъектларидағи маркетологларнинг фаолият соҳаси кенг бўлиб, у ўз ичига қўйидагиларни олиши лозим: бозорни ўрганиш, харидорлар талабини, даромадларни ўрганиш, баҳолар даражасини келажак учун аниқлаш, лойиҳаловчиларга товар андозасини яратиш бўйича буюртма бериш, рекламани ташкил этиш, буюртмачи ва харидорлар билан мулоқотга киришиш орқали янги маҳсулотлар турини шакллантириш, шартномалар тизимини ташкил этиш, товар сотилишини ташкил этиш, истеъмолчиларга қўшимча хизмат кўрсатиш, қўшимча қисмлар етказиб беришни йўлга қўйиш ва ҳоказолар.



**1-расм. Кичик бизнес субъектларидағи маркетинг бўйича мутахассисларнинг фаолият соҳалари.**

Кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишнинг мұхим йўналишларидан яна бири сифатида улардаги харажатлар ва натижалар муносабатларини ҳисобга олишни таклиф қиласиз. Харажатлар ва натижалар муносабатларини ҳисобга олишда биринчи навбатда харажатларни баҳолаш ва натижаларни белгилаш зарур. Натижа сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулот, олинган даромад ва фойда олинади. Кейинги навбатда ташқи мухитда амалга ошаётган ўзгаришларни ҳисобга олинади. Бу йўналишларнинг барчаси кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишга олиб боради.